

## БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Авазхонов Шоҳназар Гулназарзода*  
*ЧДПУ “Бошлангич таълим” юналиши З-курс талабиси.*

**Аннотатсия:** Сизга тақдим етилган мақолада бошлангич синфларда ахборот технологичлардан самарадорлигини оширишига ҳамда уқтувчиларни дарс пайтида қуллаши, ҷалб ва қизиқтириши аҳамияти ҳақида фикир юритилган.

**Калим сўзлар:** Бошлангич, компьютер, синф, таълим, мактаб, дарс, ўқутувчи, ўқувчи, инновацион, технология,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

Бошлангич синф ўқувчиларида айнан бундай ёшда боланинг ақлий қобилияtlарида жадал ривожланиш жараёни кечади, унинг интеллектуал салоҳияти ривожланиши учун фундамент яратилади. Ўқув жараёнида педагогик, инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланиш бошлангич таълимнинг долзарб масалаларини самарали ечиш учун имконият яратади. Жумладан,

- ўқув жараёнини қизиқарли ва маҳсулдор қилиш ҳисобига ўқувчида материални англаб олиш мотивацияси ортади;
- мустақил ишлаш ва ўзини-ўзи назорат қилиш кўникмаси ривожланади;
- дарснинг самарадорлиги ва ўқувчиларнинг бир хил ўзлаштиришини таъминлайди;
- ҳар бир ўқувчининг фикрлаши, билиш ҳиссиёти, мақсад сари интилишлари ва маънавий тасаввурларини ривожлантириш ҳисобига умумий фаол ривожланишга эришилади;
- синфдаги барча болаларнинг фаол ишлаши таъминланади.

Инновацион ва ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ қилишнинг замонавий ахборот дунёсини мантиқий ва зарурий қадам деб характерлаш мумкин. Компьютерларнинг ўқув жараёнига жадал кириб келиши педагоглар ҳаётида мисли кўрилмаган даражада ўқитишининг янги турларини, шаклларини келтириб чиқарди. Бошлангич таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш иккита асосий масалани ечиш билан боғлиқ: биринчидан, болаларни янги техниковий воситалардан фойдаланишга ўргатиш; иккинчидан эса

ўқувчиларнинг ўқиши ва ўқишдан ташқари фаолиятида янги билимларни такомиллаштириш мақсадида компьютер технологияларидан фойдаланиш.

Дарсларда ахборот технологияларидан фойдаланиш педагоглар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Чунончи, замонавий педагог компьютердан фойдаланишни билиши, компьютер ёрдамида ўқитиш воситаларидан фойдалана олиш ва уни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш кўникмаларига эга бўлиши, ўз билимини компьютерли ўқитиш бўйича доимо такомиллаштириб бориши ва ҳоказоларга эга бўлиши зарур. Амалиётда шуни такидлаш жоизки, бундай талаблар асосида ташкил этилган дарсларда самарадорлик юқори кўрсаткичда бўлади, масалан, 3-синф математика дарсларида, ўқув материалини ўргатиш компьютерли технология асосида ташкил қилинганда ўзлаштириш сезиларли даражада яхшиланди, ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқиш ортди, мустақил ишлаш кўникмаси пайдо бўлди, билимни ўзлаштириш бўйича имкониятлари ривожланди, ижодий ёндашувлар пайдо бўла бошлади, ўзига ва билимига бўлган ишонч шакллана бошлади.

Демак, бошланғич мактабда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб, дарс жараёнини ташкил қилиш долзарб ҳисобланади. Чунки 1-4 синф ўқувчиларида кўргазмали-образли фикрлаш ривожланган, шу боисдан ҳам дарс жараёнини компьютер технологияларидан фойдаланиб ташкил қилиш жуда муҳим.

Бунинг учун сифатли кўргазмали материалларни мақсадли тарзда жуда қўп тайёрлаш ва ундан фойдаланиш зарур, билимни қабул қилиш жараёнига янги кўринишларни тадбиқ қилиш, товушлар, слайдлар, анимациялар билан.

Бошланғич мактабда турли дарсларда АҚТдан фойдаланиш ўқитишнинг кўргазмали-тасвири-тушунтириш услугидан фаолиятли услуга ўтишга имконият яратади, бунда ўқувчи ўқув жараёниниң фаол иштирокчисига, субъектига айланади. Бу эса ўқувчидаги билимни англашган ҳолда ўзлаштиришга имкон яратади. Шу боисдан ҳам замонавий таълим тизимида бошланғич синфларда компьютер технологияларини қўллаб дарс жараёнини ташкил қилиш жуда қўп новатор педагоглар томонидан амалга оширилмоқда, бу жуда кўпчилик педагогларнинг ҳаётий иш нормасига айланаб бормоқда.

Педагогик техника малакаларини мукаммал эгаллаш учун, аввало, ўқитувчи ўз фанини, ўқитадиган предметини бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда билиши, педагогик ва ахборот технологияларини, педагогика ва психология фанлари асосларини давр тараққиёти даражасида билиши, касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялай оладиган бўлиши зарур.

Демак, бошланғич синфларда таълимни мувофиқлаштириш иқтисодий ва дидактик аҳамият касб этади. Таълим учун ажратилган вақт тежалади, ўқувчиларнинг ақлий зўриқиши камаяди, малака ва қўникмалар ўқувчилар томонидан тўлақонли тушуниб ўзлаштирилади. Мувофиқлаштирилган дарслар болалар дунёқарашида бир бутунликни, воқеалар узвийлигини тушунишни табиатан англаб етишга ўргатади.

### **Фойданилган адабиётлар рӯйхати;**

1. Толипов О. “Педагогик технология” – Тошкент : Фан, 2005,205 бет.
2. Юлдошев Ҷ. Янги педагогик техналогия юналишлари, муаммолари, халқ таълими, 1999. Н 4. – Б. 4-11.